

Забидий / ВАҲИЙНИНГ БОШЛАНИШИ КИТОБИ / 610-ҳадис

610/1183 – عَنْ عَبْدِ اللَّهِ الْمُزَنِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «صَلُّوا

قَبْلَ صَلَاةِ الْمَغْرِبِ». قَالَ فِي الثَّلَاثَةِ: «لِمَنْ شَاءَ»، كَرَاهِيَةً أَنْ يَتَّخِذَهَا النَّاسُ سُنَّةً.

610.1183. Абдуллоҳ Музаний бундай сўзлаб берди:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Шом намозидан олдин намоз ўқинглар»**, дедилар. Учинчисида одамлар (доимий) суннат қилиб олишини истамаганларидан, **«Хоҳлаган киши учун»**, деб қўйдилар».

Изоҳ: Айрим мазҳабларда шом намозига азон айтилгач, фарз намозидан аввал нафл намоз ўқиш мустаҳаб, бироқ ҳанафий ва моликий мазҳабларида шом намозининг кечикиши эҳтимоли борлиги сабабли макруҳдир. Бу ҳақдаги далиллардан бири – Абу Довуднинг Товусдан ривоят қилган ҳадисида шундай дейилган: «Ибн Умар розияллоху анхудан шом намозидан олдинги икки ракат ҳақида сўралган эди, у: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг даврларда бирор кишининг буни ўқиётганини кўрмадим», деди.

Манба: hadis.islom.uz

